



2018 yil “ 24 ” Январь № 129

**Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни,  
шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис  
пунктларининг асбоб – ускуналарини техник кўриқдан  
ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил., 50-сон, 559-модда) ва “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 17-сон, 229-моддаси) ижросини таъминлаш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН :**

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар,(туман Мудофаа ишлари бўлими, Ички ишлар бўлими, миллий хавфсизлик ҳизматидаги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини 2018 йил техник кўриқдан ўтказиш жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун йиллик техник кўриқдан ўтказиш туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар

тугатилин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўриқдан ўтказиш йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман “Ўздавтехназорат” инспекцияси қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (А.Ўтанов)га юклатилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарор “Яйпан овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон туман  
ҳокими**



**Қ.Р.Джураев**



Туман хоқимининг 2018 йил  
24 январдаги 129-сонли  
қарорига 1-илова

**Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар,  
(туман Мудофаа ишлари бўлими, Ички ишлар бўлими, миллий  
хавфсизлик хизматидаги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган  
техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер  
хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг,  
шунингдек машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис  
пунктлари асбоб-ускуналарини 2018 йил техник кўриқдан ўтказиш  
ЖАДВАЛИ**

№	ММТП лар номи	Кўриқдан ўтказиш санаси
1	Ғаниобод Мадад ММТП ва ф\х	06.02.2018
2	Шахсий техника эгалари	07-08.02.2018
3	А.Ниёзов ММТП ва ф\х	10.02.2018
4	Шахсий техника эгалари	13.02.2018
5	Наъмуна Ихтиёр ММТП ва ф\х	15-16.02.2018
6	Шахсий техника эгалари	17-19.02.2018
7	С.Азизов ММТП ва ф\х	20.02.2018
8	Шахсий техника эгалари	21-22.02.2018
9	Ғ.Ғулом ММТП ва ф\х	23.02.2018
10	Шахсий техника эгалари	24.02.2018
11	Пахтақайнар ММТП ва ф\х	27.02.2018
12	Шахсий техника эгалари	28.02.2018
13	А.Бозорбоши ММТП ва ф\х	01-03.03.2018
14	Шахсий техника эгалари	05-06.03.2018
15	Соҳибкор ММТП ва ф\х	07.03.2018

16	Шахсий техника эгалари	08-09.03.2018
17	Янгиобод Агросервис МЧЖ МТП	10.03.2018
18	Шахсий техника эгалари	12-13.03.2018
19	БФК -4	14.03.2018
20	Шахсий техника эгалари	15.03.2018
21	Туман пахта тозалаш корхонаси	16.03.2018
22	Шахсий техника эгалари	17.03.2018
23	Туман йўл қурилиш бўлими	19-20.03.2018
24	Шахсий техника эгалари	20-21-03.2018
25	Коммунал фойдаланиш бошқармаси	22.03.2018
26	Шахсий техника эгалари	23-24.03. 2018
27	Шўрсув цемент хом ашё Шўрсув территорияси	27-28.03.2018
28	Шахсий техника эгалари	29.03.2018
29	Тумандаги чорвачилик ф\х	29-30-31.03.2018
30	Тумандаги МЧЖ ташкилотлари	02-06.04.2018
31	Шахсий техника эгалари	07-30.04.2018



Туман ҳокимининг 2018 йил  
24-январдаги  
129-сон қарорига  
2-илова

**Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор  
парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-  
ускуналарини 2018 йил учун йиллик техник кўриқдан ўтказиш  
туман комиссияси  
ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Исми ва фамилияси</b>	<b>Лавозими</b>
1	А.Ўтанов	Ўзбекистон туман Қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори , гуруҳ рахбари
	<b>Аъзолари</b>	
2	Д.Қодиров	Туман ҚСХБ ўринбосари
3	Х.Бегалиев	Янгиобод маш тех сервис директори.
4	М.Тиллабоев	Янгиобод маш тех сервис МЧЖ МТП устахона мудири
5	А.Пўлатов	Намуна ММТП механиги